

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 60 (7209). Sotuvda erkin narxda

Куннинг муҳим боқеалари

● Сингапур Менежментни ривожлантириш институти бош котиби, доктор Раманатан Дейвендран бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Ўзбекистон Банклари уюшмасида 11 май кuni чакана банк бизнесини ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда инновацион акробот воситалари ва материаллари ёрдамида гўдакларнинг парваришига ёндашуни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган семинар бошланди.

● Чирчиқ шаҳрида мактабнинг 9-синфини битирётган йигит-қизларни академик лицей ва касб-хунар коллежларига жалб қилиш, лицей ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига бағишланган «Маҳорат-2007» кўргазма-танлови ўтказилди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида ёш бастакорларнинг республика танлови бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон Бастакорлари уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академиясида «Баркамол авлод – миллат таъни» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган «Сиз қонуни биласизми?» республика кўриктанловининг Қашқадар вилояти бўлиб ўтди.

● Пойтахтдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 14 май кuni Ўзбекистон-Россия бизнес-форуми бўлиб ўтди.

● Абду Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида фан ва техника тараққиётида ёшларнинг ўрнига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида таълим соҳасида амалга оширилган иттифоқларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган семинар ўтказилди.

● Андижон шаҳрида аркалар ўртасида ўтказилган Халқаро теннис федерацияси ITF/мусобақалари тақвимида жой олган «Фьючерс» туркумида кирувчи халқаро теннис турнирининг яққалики ва жуфтлик беллашувлари голиблари аниқланди.



Истиқлол берган имконият туфайли юртимиздаги саноат корхоналари йилдан-йилга энг замонавий технологиялар билан жиҳозланмоқда. Саноатлашган шаҳарлардан тортиб чекка қишлоқлардаги кичик корхоналарда ҳам йигит-қизларимиз энг сўнгги русумдаги дастгоҳларда ишлашаётди.

Шу боис «Зилола-текс» хиссдорлик жамиятида қўли гул тикувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ҳам сифатлиги билан хариддоригир бўлмоқда. Жиззах шаҳрида жойлашган мазкур корхонада 96 нафар ишчи, юздан зиёд касаначилар иш билан таъминланган. Бу ерда ташкилотлардан буюртма асосида кийим-кечаклар тикиб тайёрланмоқда.

СУРАТДА: тикувчи Шахноза Уроқова.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Жиззах вилоятидаги «Маънавият ва маърифат маркази»да «Қудратимиз - бирлик ва ҳамжиҳатликда» мавзусида суратлар кўргазмаси очилди.

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда турли миллат ва эл-

ли тилларда олиб бориладиган ўнлаб болалар боғчалари ишлаб турибди. Жиззах давлат педагогика институти ва Жиззах политехника институтида рус, қозоқ тилларида ўқитиладиган факультетлар, Жиззах санъат коллежиде қозоқ актёрлар тайёрлаш гуруҳи очилган. Турли миллат вакиллари билан вилоят ижтимоий-маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминлашда миллий маданият марказларининг

Бир оила фарзандлари

лар ўртасидаги дўстлик ва тотувлики мустақамлашга жиддий эътибор қаратилди. Барча миллатларнинг тили, ўзига хос маданияти, урф-одатларини ривожлантириш учун тенг имконият яратилди. Бундан ўн беш йил аввал ташкил этилган Республика Байналминнал маданият маркази бундай хайрли ишларга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Бунинг Жиззах вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Вилоятда 70 дан зиёд миллат ва эл-вакиллари истиқомат қилади. Айни вақтда дарслар рус, қозоқ, қирғиз, тожик тилларида ўқитиладиган 78 та мактаб, бундан ташқари, таълим-тарбия ишлари тур-

алоҳида ўрни бор.

Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси вилоят бўлими миллий маданият марказлари билан ҳам-

корликда ташкил этган суратлар кўргазмаси очилишига бағишланган тадбирда шу хусусда сўз борди.

Кўргазмада намоийш этилаётган таниқли ва ҳаваскор мўйқалам соҳибларининг «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Дўстликнинг буюк қудрати», «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» туркумидаги суратлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА муҳбири.

Соҳибқирон қурайдиган девор қолдиғи

унинг тарихий-илмий аҳамияти
катта, дея баҳоланмоқда


Яқинда археологлар томонидан Самарқандда Амир Темур замонасида қурилган девор ва дарвоза қолдиғи топилган эди. Бу ҳақда тарих фанлари доктори Мухаммадjon Исомиддинов қуйидагиларни сўзлаб берди.

Шоҳизинда мажмуаси яқиндаги тепалик остида топилган қўнча гишт қолдиқларини Соҳибқирон бобомиз даврида барпо этилган деворга тааллуқли, дейиш мумкин. Уша пайтда қалъага кириш жойидаги йўл девори — «Г» шаклида бўлган, ташкадушманнинг тўғри кириши-қўймаслик учун шундай қилинган. Ёгондан тайёрланган дарвоза атрофида мис ёрдамида нақшлар берилган.

Аҳамиятли томони шундаки, археологик қазилма ишларида Амир Темур даврига оид мудофаа девори қолдиқлари ҳалигача учрамаган. Тарихдан маълумки, Афросиёб мўғуллар томонидан яқсон қилинган. Самарқанд ҳозирги эски шаҳар мавзесига қўйрилган. Бу ерда илк қалъа деворларини Амир Темур қурдирган.

Мирзо Бобур ҳам Шайбонийхон Самарқандга иккинчи бор юриш қилганида, шаҳар тўрт ой қамалда қолганини ҳақида ёзган. Қўриқчилар Феруз дарвозасидан Шайхзода дарвозасигача отда юриб қўзатишган. Деворнинг баланд (тахминан 11 метр) ва қалин (қамалда 4 та от бараварига юрадиган) эканлигини шундан билиш мумкин.

Убайдулла СИРОЖЕВ,
Мамадиёр ЗИЁДИНОВ.



Оламда нима гап?

“Uzbekistan Agrominitex Expo-2007” кўргазмасида

Кунинг кеча “Uzbekistan Agrominitex Expo-2007” кўргазмасида илмий-технологиялар ва илҳам усулларининг II Халқаро илҳамлаштирилган кўргазма савдоси якуни бўлди.

Ушбу кўргазма-савдо давомиде 20 дан зиёд давлатларнинг 200 га яқин компания ва фирмалари ўз маҳсулотларини намоийш этиб, республикамиз мулкдорлари билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини имзолашга муваффақ бўлишди. Ўз навбатида, юртимизнинг турли ҳудудларидан пойтахтга келган 1500 га яқин деҳқон фермерлар, агрофирмалар раҳбарлари “Ўзэкспомарказ” павильонларига қўйилган кичик ускуна ҳамда технологиялар билан танишиб, энг маъқулларини харид қилиш учун хорижлик ҳамкорлар билан келишувга эришдилар. Дастлабки маълумотларга қараганда, бу йилги кўргазма-савдода умумий қиймати 21 миллиард 858 миллион сўмлик мингга яқин

Ўзбекистондаги вакили Аюбхон Исоқов. Биз кўргазмага олиб келган сутни қайта ишлаш технологиялари, қадоклаш ускуналари ва юк мотоцикллари фермерларнинг қизиқиши низохта катта бўлди. Натижа ҳам шунга яраша. 600 га яқин шартнома имзоладиқ. Унинг миқдори 2 миллион АҚШ долларидан зиёддир.

Кўргазма-савдони кузатар эканмиз, мевасабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган технологиялар, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиғи техникаларига ҳам талабгорлар қўлиғига гувоҳ бўлдиқ. Тадбир давомиде уюштирилган семинарлар эса қишлоқ мулкдорларининг замонавий технологиялар борасидеги билим ва малакаларини ошириш имконини берди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилаётган кўргазма-савдонинг мантиқий давомий айна кунларда ўтказилганида ҳам ўзгача маъносиде бор. Чунки мўл ҳосил олишни мақсад қилиб турган қишлоқ мулкдорлари

Харидимиз барорли

или навбат уни фаолиятда қўллашга

шартнома, ахдлашув баённомаси ва буюртмалар имзоланган. Яқуний ҳисоб-китобларга қўра, ҳали рақамлар ортиши қўтиляпти. Чунки кўргазма тугаган бўлса-да, томонлар ўртасида муносабатлар давом этмоқда.

Мен учун ушбу кўргазма-савдо ўтган йилгисининг мантиқий давомий бўлди, дейди “Покиза-М” фермер ҳўжалиғи раҳбари Абдумалик Каримов. Ўтган йилги кўргазма-савдода “Класс” фирмасининг галла ўриш комбайни, “ВТ” занжирли ҳайдов трактори олган эдик. Бу йилгисиде ушбу техникаларга қўшимча техника воситалари олаётимиз.

“Хазорасп Файз” МЧК раиси Яраш Сатторовни келишув баённомасини имзолаш жараёнида учратдик.

Консерва заводимизнинг технологиялари эскириб қолган эди, дейди у. Кўргазмага келиб, шу турдаги ускуналар билан танишиб қикдим, уларнинг имкониятини ўргандим. Охири мевасабзавотни қайта ишлайдиган, қиймати 90 минг АҚШ долларлиқ ушбу мажмуани олишга қарор қикдик.

Айтиш жоизки, юксак савияда ташкил этилган кўргазма-савдода бу каби фермерлар юзлаб топилади. Бу эса мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотларининг қайта ишланиб, жаҳон бозорига йўл олишига дастлабки қадамлар шу ернинг ўзиде қўйилди, дегани. Бунинг хорижий фирма ва корхоналар вакиллари ҳам эътироф этишаётди.

Ушбу кўргазма-савдода биринчи марта қатнашимиз, дейди Хитой қишлоқ ҳўжалиғи ва машина саноати ассоциациясининг



етиштирган маҳсулотларини ўзлари қайта ишлайдилар. Техника, технология бор жойда маҳсулот исроф бўлмайди. Пировардида, юрт бойлиғи, халқ фаровонлиғи аянада ошади.

Анвар ҚУЛМУРДОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

“Қўлбола”сининг минг балоси бор

Энди сифатсиз спиртли маҳсулотлар савдосига чек қўйилди

Жорий йилнинг 16 мартада Президентимиз томонидан “Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Ушбу қарорнинг ижроси ҳақида Тошкент вилоят давлат солиқ бошқармаси қисқа муддатли текширувлар ўтказиш бўлими ходими Завқий Йўлдошев билан суҳбатлашдик.

Мамлакатимиз раҳбарининг мазкур қароридан асосий мақсад бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланмиш алкогольли маҳсулотлар савдосини тартибга солиш, халқ саломатлигини муҳофаза этиш, тегишли ҳўжжати бўлмаган, сифатсиз маҳсулотлар сотилишига чек қўйишдан иборатдир.

Яъни, шу ойдан эътиборан ёки олиб келинган, сифат сертификати бўлмаган бу турдаги маҳсулотлар билан савдо қилаётганлар энг кам иш ҳақининг 200 баробаридан 300 баробарига

Бундан ташқари, қарорда алкогольли маҳсулотлар савдоси билан шуғулланувчи дўконлар уларни сақлашнинг санитария қоидаларига жавоб берадиган омборхоналар ва асбоб-ускуналарга, алоҳида кириш жойига ёлғи бўлиши лозимлиги қўрсатилган.

Бундай дўконларнинг фақатгина алкогольли маҳсулотлар учун ажратилган майдони шаҳарларда 25, қишлоқларда камиде 15 квадрат метр бўлиши лозим. Узоқ тоғли ҳудудларда эса уларни сотиш алоҳида савдо бўлими мажмуида амалга оширилиши мумкин.

Спиртли маҳсулотлар сотишнинг истовчилар ўз дўконини қарорда белгиланган тартибларга мос ҳолда қўриши, унда зарурий асбоблар мавжуд бўлиши даркор. Шундан сўнг улар ўзлари яшаётган туман ҳўкимликларига ариза орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Тегишли муддатда қўрилган ариза ва бошқа ҳўжатлар туман давлат солиқ инспекциясига тақдим этилади.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу қарор аҳоли манфаатини қўзлаб қабул қилинган. Сир эмас, илгари дўконларда қўлбола усулда тайёрланган, истеъмолга яроқсиз, сифати қафолатсиз спиртли маҳсулотларнинг сотиш ҳоллари учраб туради. Демак, эндиликда бундай ноҳуш ҳолатларнинг олди олиниб, халқимизнинг истеъмолчи сифатида ҳўқуқларини ҳўмова этишга қаратилган ҳаракатлар янада қўнатирилади.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ
ёзиб олди.



Об-ҳаво қандай бўлади?

Республика гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, бугун юртимизда ҳаво ўзгариб туради, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларининг баъзи туманларида момақалдирок бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин.

Қолган жойларда ёғингарчилик қўтилмайдиган. 16-17 майда республикамизнинг барча ҳудудларида, 18 май кунини эса айрим туманларда ёғингарчилик бўлиши эҳтимолдир. 19 майда ҳаво очик бўлади. Шамол ғарбдан секундида 7-12 метр тезлиқда эсади. 15-17 май кунлари баъзи жойларда шамол тезлиғи секундида 15-20 метрга етиши мумкин. Харорат бугун кундузи 28-33 даража иссиқ, кечаси 12-17 даража илқ бўлади. 16-19 майда харорат бир оз пасайиши башорат қилинмоқда. Яъни, кечаси 7-12, кундузи 18-23 даража илқ атрофида бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳам ҳаво ўзгариб туради. 16-18 майда ёмғир ёғади. 19 майда эса ҳаво очилиб кетади. Ғарбдан эсаётган шамол тезлиғи секундида 7-12 метрни ташкил этади. Харорат бугун кечаси 9-14, кундузи 20-25, 16-19 май кунлари эса кечалари 2-7, кундузи 7-12 даража илқ бўлиши қўтиляпти.

«Ё» бўладими, йўқми?

Бугун дўннинг ҳар қайси мамлакатда ўзига хос муаммолар мавжудки, бу муаммолар очини турли даражадаги масъул шахсларнинг жиддий бош қотиришига сабаб бўлмоқда. Бу табиий ҳол. Масалан, иқтисодий, сиёсий, ҳудудий каби муаммолар...

Бу каби муаммолар ҳолатлардан ажабланмай ҳам қўйганмиз. Аммо шу бугунги кунда Россия Федерацияси жамоатчилиғи бартараф этиш учун ҳаракат қилаётган муаммо ўзгачарок. Яъни “Ё” харфи муаммоси. Маълумки, “ё” товуш сифатиди ва бу товуш

лади ҳам. Айниқса, фамилияларда: Горбачёв, Кулчачёв, Пушкарёв... Аммо ҳозирги рус ёзувида бу товушни ифодаловчи “ё” харфи деярли қўлланилмай қўйди. Ҳатто, машҳур санъаткор телевидение орқали ўз паспортини қўрсатди - “Кулчачёв” дея ёзилган. “Ахир мени Кулчачёв деб аташди-ку, нега паспортимга “Кулчачёв” деб ёзилмади?” дея зорланиб сўзлайди у.

Бугунги ёшлар эса умуман “ё” харфини борлигини эсимдан чиқаришди. Бу ўринда нафақат таълим соҳаси раҳбарлари, балки губернаторларгача бош қотиришмоқда. Савол битта: нега товуш бор-у, харф йўқ, бу рус имлосидаги жиддий хато эмасми? Ҳа, жиддий хато, шу боисдан “ё” харфини қўллаш борасида тадбирлар уюштирилмоқда: кўчаларда гигант “Ё” харфи осиб қўйилмоқда, сумкалар, дипломатларга шу харф ёзиб қўйилмоқда. Бу, албатта, “ё” харфини ёзувда қўллаш талабгорлари бўлган фуқаролар ташаббуси. Бироқ бугунги кунда раҳбарлар томонидан ҳам бу масала қатъий қўйила бошланди. Аммо бу ўринда бир ҳавотир бор...

Россия кўчаларида “ё”нинг ашаддий тарафдорлари томонидан “мебель” сўзини “мебель” деб ёзувчилар ҳам пайдо бўлди.



Танумафили II оламдан ўтди

Самоя (Тинч океани) давлати раҳбари Малиетоа Танумафили II оламдан ўтди. Самоя оролини мухторликка этаклаган сийбаси сифатида ушбу давлат аҳолиси уни ҳурмат билан тилга олади. Танумафили II 1963 йили Самоя Тинч океани давлатига асос солган ва унинг умрбоғ раҳбари этиб тайинланганди.

Демократлар мағлубияти

АҚШ конгрессида кўпий палатаси Америка аскарларини Ироқдан олиб чиқиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини инкор этди.

Ироқдаги АҚШ ҳарбийлари 2008 йил бошларидан бошлаб олиб чиқиш кетишини кўзда тутиб қўйиб, лойиҳасини 171 депутат қўллаб-қувватлаган. 255 нафар депутат унга қарши овоз берган. Ақсарият қузатувчилар бу воқеани Буш маъмуриятига қарама-қарши қайфиятда бўлган демократларнинг сийбаси майдондаги йирик мағлубияти, деб баҳолашмоқда.

Кафедаги фожиа

Россиянинг Оренбург вилояти Орск туманидаги кафеда биринчи кўчи портлаш юз берди.

Хабарларга кўра, бино ваироналари остида 10 нафар кафе ходимлари ва мижозлар жасади топилган. Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг дастлабки ҳулосаларига кўра, кучли портлашдан сўнг ёнғин пайдо бўлган. Айрим гувоҳлар портлашдан аввал кафе ичида отишма овозлари эшитилганини айтишган. Халок бўлганлар ёнғин юз беришидан олдин ўлдирилганини тиббий экспертиза тасдиқлаган. Мутахассислар кафедаги портлашни жиноятчиларнинг изларини йўқотишга уриниш, деб топишган.

Узоққа чўзилмаган осойишталик

Фалестиннинг ФАТХ ва ХАМАС ҳаракатлари Ҳазо секторда тинчлик битимини имзолади.

Мисирлик вакиллар гувоҳлигида тўзилган битимга кўра, томонлар Ҳазо кўчаларидаги ўзaroноликларга чек қўйиш ва ўт очилиши бас қилишга келишиб олишган. Ушбу битимнинг имзоланганидан саноқли дақиқалар ўтиб, ҳар галлик Ҳазодаги қисқа муддатли тинчлик ўрнини яна қўрқоли тўқнашувлар эгаллаган.

ФАТХ ва ХАМАС жангчилари ўртасида кечган отишмалар оқибатида 4 нафар одам ҳалок бўлган. ХАМАС аъзоси, Ҳазо Ислон университети ўқитувчиси ўғирлаб кетилган.

Карачида нотинч кунлар

Покистоннинг Карачи шаҳрида фавқулодда ҳолат юзга келди.

Шаҳар кўчаларида тартибсизликларга сабаб бўлган мамлакатнинг Олий суди собиқ бошлиғи Ифтихор Муҳаммад Чодхри тарафдорларига қарши армия кучидан фойдаланишга тўғри келган. Ифтихор Муҳаммад бундан аввалроқ президент томонидан истеъфога чиқарилган эди. Унинг тарафдорлари давлат раҳбарининг бу қароридан норози бўлиб, тартиббузарликлар уюштиришган. Қуюшқондан чиқиб кетган тартиббузарлар ва президент тарафдорлари ўртасида ўзаро тўқнашувлар юз берган. Оқибатда, 40 га яқин одам ҳалок бўлган.

Каддофийнинг аҳволи оғир

Ливия президенти Муаммар Каддофий кутилмаганда оғир аҳволда шифохонага ётқизилди. Шифокорлар сўзига кўра, Каддофий миё тизимининг қон айланишида салбий ўзгаришлар кузатишган. 64 ёшли Ливия раҳбарини мутахассислар суний кома ҳолатига келтириб қўйишган. Шу йўл билан унинг ҳаётини сақлаб қолиш кўзда тутилган. Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 15 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	1047,60	1 Польша злотийси	453,21
1 Англия фунт стерлинги	2495,84	1 СДР	1908,50
1 Дания кронаси	228,83	1 Туркия лираси	941,42
1 БАА дирҳами	342,51	1 Швейцария франки	1033,71
1 АҚШ доллари	1257,92	1 ЕВРО	1704,23
1 Миср фунти	221,37	10 Жанубий Корея вони	13,60
1 Исландия кронаси	19,70	10 Япония иенаси	104,68
1 Канада доллари	1133,47	1 Россия рубли	48,64
1 Хитой юани	163,95	1 Украина гривнаси	249,09
1 Малайзия ринггити	369,92		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмурият валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

Тўрақўрғон тупроғи унумдор. Одамлари ҳалол ва меҳнатқаш. Бундан 500 йил муқаддам ер остига сопол қувур қўйиб, Қосонсойдан (60 километр масофадан) Аҳсикентга сув келтирилган ҳам айна тўрақўрғонликларнинг оқил аждодлари бўлишган. Тўрақўрғонлик соҳибдорларнинг устози раҳматли Абдуҳабиб ота Президентимиз томонидан энгил автомашина билан тақдирланиши ҳам туман миришкорларига билдирилган олий даражадаги эътироф эди.

Тўрақўрғонда шундай богон, деҳқонлар борки, ипак курти туртинчи уйкуга ётмаган кунлардаёқ уларнинг ҳосили пишди.

Бурамаут қишлоғида Жаҳбарали Акбаровдан ўзариб богон йўқ. Утган йили мевани қачон пулла-

ркаси бор. Бу ерга тўрт туп бўлар-бўлмас дарахт, озроғига помидор, қолганига маккажўхори эккан. Булар ҳам керак, лекин ҳаммасини жамлаганда, юз минг сўм даромад йўқ-да.

— Ўн беш йилча бурун пахсакашлар келиб, қишлоғи-

кўзга ташланади. Лимонлар орасида картошка, ошқўк ва помидор қўчатлари ҳам бор. Ойнаванд бог умуман иситилмас экан.

Ажабланганимизни қўриб: — Гўнги бераверамиз, озуқага тўйган тупроқнинг ўзи иситилади, — дейди домла.

Лимончилик қўшниларга ҳам "юқа" бошлабди. Домланинг қўшниси Усмонхон Каримов 10 сотих ерда лимон етиштирибди. Утган йили 3,5 миллион сўм даромад олинди. Бундан ташқари, у киши мева кўчати етиштирибди, ўзи пайвандлайди, тўрт нав шафтоли нихолдан

Осмондан чалпақ ёғмайди аммо, ердан ризқ унади

гани билан қизиксак, бошини қашлаб қолди.

— Қаричилик қўрсин, эсимдан чиқибди, — деди ва ўглини қумалга чорлади. — Қахрамон, гилосни қайси кунни ўзганди,?

— 17 майда, — жавоб қилди йигитча.

Харидор ўз машинаси, ўз идиши билан келди, ўзи узди, ўзи жойлади. Яшиқлар тарозидан ўтга, ҳисоб-китоб 3,5 миллион сўмга етди, пул нақд саналди, бирор тийин насиаси бўлмади. Холқуби, ҳовли бор-йўғи 10 сотих, 50 туп гилос бор ҳолос.

Бугун Бурамаутнинг ис-талган кўчасига кириб, ис-талган дарвозани қўқсангиз, этик кийган, қўллари чанг-чунг киши чиқиб келади. Чўки бог ва экинни ҳозир парваришланмаса, эртага бу қўллар миллионларни сана-майди-да.

Маҳаммадали дўхтир Қосимов гурунг беради:

— Бир танишим беш ойдан буён пул тўплай олмайман, деб ҳасрат қилади. Ваҳоланки, унинг ҳам 10 сотих томо-

мизда иморат қилиб юришди, — дейди аҳилик Вали-дон домла Зокиров. — Улар ҳовлига лимон экин, ерни ўйиб, деворини пахсадан ўзимиз уриб берамиз, деди. Шу билан иш бошладим...

Ҳозир домланинг 7 сотих-

400 тупча тайёрлаб қўйибди. Бу ҳам 150-200 минг сўм деган сўз. Унинг фермер хўжалиғи бор — "Усмонхон-Сандомил", 35 гектарга пахта, галла экади. Усмонхон шундай дейди:

— Деҳқончилик, богдорчилик қаров ва меҳнат билан обод. Лекин, иссиқхонада гал қўп, наф катта. Мана, ўз тажрибамдан айтганидан бўлсам, 35 гектарлик фермер хўжалигидан ўтган йилги соф фойда 6 миллион сўм, 10 сотихлик иссиқхонадан эса 3,5 миллион сўм бўлди.

Таассуф шундаки, қишлоқларда шундай дангаса ва лоқайд кишилар борки, томорқасига помидор-бод-ринг, картошка у ёқда турсин, хатто, ошқўк экмайди. Бозордан сотиб олади. Энди ўйлаб кўринг, қим камбағал?! Ер қадрига етмаганими?... Барақалла, ишлаган тийлайди-да. Бурамаутда бир богдон айтгандай, осмондан чалпақ ёғмайди, ахир.

Рустамхон УММАТОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири. Наманган вилояти

Сифат ва самара



Наманган вилоятидаги "Учқўрғон" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган махсулот ўзининг аъло сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда. Шу боис, корхона иқтисодий йилдан-йилга яхшиланиб борапти. Пул тушумининг ортиши эса корхонани янги технологиялар билан жиҳозлаш имконини берди.

СУРАТДА: жамият ишчиси Одина Эрназарова.

Х.МАМАДАЛИЕВ (ЎА) олган сурат.

Ҳакамлик суди унинг фаолияти қандай кечади?

Мамлакатимизда ҳакамлик судларига илк ҳуқуқий асос Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1995 йил 20 декабрда "Хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисида"ги 1958 йилдаги Нью-Йорк Конвенциясига қўшилиш ҳақида"ги қарор қабул қилиниши натижасида яратилган эди.

Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳўжалик низолари ҳўжалик суди билан бир қаторда ҳакамлик судлари томонидан ҳам қўриб чиқилиши мумкинлиги қўрсатиб ўтилди. Қўп вақт ўтмай, "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасининг ташаббуси билан 2005 йил 11 августдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама-сига киритилди. Маъмур қонун лойиҳаси бир неча марта муҳокама этилганидан кейин 2006 йил 8 февралда Қонунчилик палатаси бу қонунни қабул қилди ва Олий Мажлис Сенаати 2006 йил 25 августда бўлиб ўтган ялпи мажлисида уни маъқулла-лади ва маъмур қонун 2007 йил 1 январдан бошлаб қўчга кирди.

Ҳакамлик судининг моҳияти нимадан иборат? Ҳакамлик суди ҳўжалик субъектлари ўртасидаги низо-ларини қўриб қичуви нодавлат ташкилотдир.

Ҳакамлик судларини ташкил этиш умумий юрисдикция суд-ларидан фарқ қилади. Ҳакамлик судлари қандайдир бир тизим-ни ташкил қилмайди ва бир-би-

рига бўйсунмайди. Қонуннинг 5-моддасида давлат ҳўкимияти ва бошқарува органлари ҳакамлик судларини ташкил этиши ҳамда ҳакамлик битимининг тараф-лари бўлиши мумкин эмаслигининг тўғридан-тўғри белгилаб қўйилиши ҳам унинг давлат судларидан мус-тақил равишда фаолият қўрсатиши-ни қаролатайди. Шу жиҳатдан ҳам қонунга кўра Ўзбекистон Республи-касида доимий ва муваққат ҳакам-лик судлари фаолият қўрсатиши мумкин.

Доимий фаолият қўрсатуви ҳакамлик судлари юридик шахс-лар томонидан ташкил этилади. Юридик шахс ҳакамлик суди таш-кил қилинганлиги тўғрисидаги ҳўж-жатлар нусхаларини ҳакамлик суди жойлашган ҳудуддаги адлия идора-сига тақдим этади. Юридик шахс доимий фаолият қўрсатуви ҳакам-лик судини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганида, доимий фа-лолият қўрсатуви ҳакамлик суди-нинг қондаларини, яъни Низоми ва регламентини, шунингдек, судьялар рўйхатини тасдиқлаган, доимий фаолият қўрсатуви ҳакамлик суди ташкил этилган ҳисобланади. До-имий фаолият қўрсатуви ҳакамлик суди ўз номи ёзилган бланк ва муҳрга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда ҳисоб-китоб варақлари, валюта ҳисоб варақларига ҳамда

бошқа банк ҳисоб варақларига эга бўлади. Халқаро тажрибадан маълумки, доимий фаолият қўрсатуви ҳакам-лик суди савдо палаталари, биржа-лар, тадбиркор ва истеъмолчилар-нинг жамоат бирлашмалари, бошқа ташкилотлар — юридик шахслар, уларнинг бирлашмалари, уюшмала-ри, иттифоқлари томонлари таш-кил этилиши мумкин.

Муваққат ҳакамлик судлари эса юридик шахслар томонидан эмас, балки тарафларнинг таш-шаббўслари билан ташкил қили-ниб, низо қўриб чиқилган, ўз фа-олиятини тугатади. Муваққат ҳакамлик суди ташкил этилган, бу ҳақида хабарнома ва ҳакамлик би-тимни нусхаси маъмур суд жойлаш-ган ҳудуддаги адлия идораларига ҳакамлик муҳокамаси бошлангунга қадар юборилиши лозим.

Ҳакамлик судлари томонидан иш

Моҳият

қўриш доирасининг бирмунча чек-ланганлиги уларнинг умумиюрис-дикция судларидан фарқ қилуви-ча яна бир жиҳати ҳисобланади. Ма-салан, қонунда ҳакамлик судлари фақат фўқаролик ҳуқуқий муноса-батларидан келиб чиқадиган низо-ларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга ке-лувчи ҳўжалик низоларини ҳал эти-ши қатъий белгиланб қўйилган. Улар маъмурий, оила ва меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чи-қадиган низоларни, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа



низоларни қўриш ваколатига эга эмас. Бирок, шунга қарамай, ҳакам-лик судлари томонидан қўрилиб, ҳал этилиши лозим бўлган ишлар, умуман олганда, анчагина. Бу ўз навбатида, ҳозирги вақтда иш ҳажми катта бўлган фўқаролик ва ҳўжалик судларининг ишларини ка-майитиришга ҳамда қўрилатган иш-ларнинг сифатини янада ошириш-га хизмат қилади.

Албатта, ҳакамлик судларида қўрилатган низоларнинг ҳоли-ва адолатли ҳал этилиши қўп жиҳат-дан ҳакамлик судьяларнинг билими, малакаси ва тажрибасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам қонунда ҳакамлик судьясига алоҳида талаблар қўйил-ган. Жумладан, йигирма беш ёшдан

Васила КАРИМОВА:

Тиббий кўрик — насл соғломлиги кафолатидир

Оилалар тинч-тотувлиги жа-мийятимизда барқарорлиқни таъ-минлайди. Истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан то ҳозир-га қадар ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган юздан ортиқ қонун ва қарорлар оила ва никоҳ, она ва бола манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Жамиятда соғлом оилалар сонини ошириш мақсадида қабул қилинган қарорлардан бири бу "Никоҳланувчи шахсларни тиб-бий кўрикдан ўтказиш тўғриси-да"ги Низомидир. Ушбу Низоми-нинг мазмун-моҳияти, унинг аҳамияти борасида Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори Васила КАРИМОВА билан суҳбат-лашдик.



Васила КАРИМОВА билан суҳбат-лашдик.

— Маълумки, 2003 йилда "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида" Низоми қабул қилинган эди. Ушбу Низомига кўра, барча фўқаролар никоҳ-дан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари зарур. Бунда бўла-жак келин-кўев бешта асосий касаллик, яъни сил, тери-танасосил, гифхандлик, ОИТС, руҳий касалликлар бўйича текширилади. Сабаби, бу бешта касаллик бевосита наслга таъсир қилади.

1998 йилда қабул қилинган Оила кодексининг 17-модда-сида никоҳланувчи шахслар-нинг тиббий кўрикдан ўтиш-лари ихтиёрий тарзда белги-ланганди. Аммо тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ихтиёрий деган сўз кўпчилик ёш келин-кўевларни тиббий кўрикдан ўтиш масаласига берақ қилиб қўйди. Айримлар тўй таратқули билан овора бўлиб, тиббий кўрик мутлақо аҳамиятсиз, деган фикрда бўлишди. Оқибатда, тўйдан сўнг келин ёки кўевнинг ка-саллиги маълум бўлиб, оила-лар бузилиб кетган ҳолатлар-ни кўрдик. Шунинг учун ҳам никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари шарт, деган тўхтамга келин-ди.

Тўғри, ушбу қарор қабул қилинганда, айрим эътироз-ларни ҳам эшитдик. Ота-она-лар, баъзи бир ёшлар томо-нидан бу ҳар қимнинг шахсий ҳаёти, биз ўзимизга ишончимиз қабилдаги гаплар ҳам ай-тилди. Кейинчалик бу жара-ёнинг фойдасини, маъқулли-гини билишгандан сўнггина ёш келин-кўевларнинг ўзла-ри ихтиёрий равишда келиб, тиббий кўрикдан ўтишадиган бўлишди. Аммо, Таассуфки, ҳозирда ҳаммада ҳам худди шундай тўлиқ ёндашув бор, дея олмаймиз. Айримлар вақтнинг тигизлигини баҳона қилишди. Қишлоқ ёки овул-да яшаётган ёшлар вилоят марказига бориб тиббий кўрикдан ўтишга оғинади-лар. Ваҳоланки, бу уларнинг манфаатларига алоқадор эканлиги, шу тўғрисида кел-гусида зурриётлари соғлом дунёга келишини инобатга олишмайди.

— Тиббий кўрикда касал-лик аниқланган ёшлар қандай йўл тутиши керак? — Гоҳида келин ёки кўе-нинг у ёки бунисида юқори-даги бирон бир касаллик то-пилса, қондага кўра улар да-

воланиб, ундан сўнггина тур-муш қўриши лозим бўлади. ФХДЕ идорасига ариза билан келишганда, бундайларга кўпроқ фўрсат берилиши ке-рак. Айрим ҳолларда касали-ги аниқланган икки ёшнинг оиласидагилар, қавм-қарин-дошлар тўй бошлаб қўйишга-нини ваҳ қилиб, тиббиёт хо-димларидан қандай бўлса-да маълумотномани олишга



ҳарақат қилишди. Баъзи бир ўз касбига нольий шифокор-лар хизмат лавозимини суи-истеъмо қилиб, сохта маъ-лумотномалар ёзиб берган ҳолатлар ҳам кузатилган. Шунинг учун ҳам бу жараён-да бутун жамоатчиликнинг иштироки муҳимдир.

— Гоҳида никоҳ ўз вақти-да қайд этилмаган ҳолат-лар кузатилади, бунинг сабаблари нимада?

— Бунга сабаб бўладиган қатор омиллар бор. Масалан, қиз ёки йигит вақтида фўка-ролик паспорти олманган ёки бўлгуси келин қўшни давлат ҳудудига яшаганлиги боис фўқароликка қабул қилинма-ган. Шунинг учун ҳам ФХДЕ органлари уларнинг никоҳи-ни вақтида қайд этмайди. Го-ҳида ота-она орзу-хаваси деб айрим ёшлар баалоғат ёшига етмай турмуш қўришмоқда. Бундай ҳолларда табиийки, никоҳ қайд этилмайди. Қўп ўтмай уларнинг фарзандлари тугилади. Энди фарзанднинг фўқаролигини расман белги-лаш керак бўлади. Ана шу ҳолатда болага оталик ҳуқуқини беришга мажбур бўлинади. Яъни, ота қақа-лоққа ўз насл-насабинини бе-ради. Бу юридик нукта на-зардан тўғри жараён бўлиб,

боланинг қонуний манфаатла-ри ҳимояланади.

— Никоҳни тиббий кўрик-сиз қайд этса бўладиган истисно ҳолатлар ҳам бор-ми?

— Оила кодексининг 13-моддасида қўтилмаган ҳоми-ладорлик вақтида ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда ни-коҳни тиббий кўриксиз ҳам қайд этса бўлади. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 апрелдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Низоми-га ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш ҳақидаги қарори 1-бандида яна бир қатор ҳолат-лар кўзда тутилган.

— Низомига қиритилган ўзгартириш ва қўшимча-ларда ёш келин-кўевлар учун яна қандай қулайлик-лар қўзилган?

— Низомига никоҳланувчи фўқаролар айнан ўзлари яшаб турган жойларида тиб-бий кўрикдан ўтиши белги-ланган эди. Эндиликда 5-бандда: "Яшаш жойидаги" сўзлари "доимий ёки вақтин-



чалик яшаш жойидаги" сўзла-ри билан алмаштирилди. Шундай ҳоллар кўп кузати-лган: қиз ёки йигит қишлоқда доимий яшайди. Аммо шаҳар-га келиб ўқияпти. Агар йигит ёки қиз турмуш қўроқчи бўлса, энди улар ўзлари яшаб турган жойдан эмас, бал-ки вақтинчалик яшайдиган жойдаги тиббий марказлар-дан кўрикдан ўтса бўлади.

Бунда оворагарчилик кама-яди, никоҳланувчи ёшлар узоғи ҳам яқин бўлади.

Шунингдек, ФХДЕ бўли-мларининг маъсулиятини яна-да ошириш мақсадида Низоми-нинг 11-бандига қўйиладиган ўзгартириш қиритилди: Ни-коҳланувчи шахсларнинг тиб-бий кўриги натижаларини тўғрисида тиббиёт маъсаса-сининг ҳулосаси маълумот-номада акс эттирилади. Маъ-лумотнома тиббиёт маъсаса-сининг муҳри ва раҳбар им-зоси билан тасдиқланади ҳамда алоҳида дафтарда рўйхатдан ўтказилади...

Низомига қиритилган бу каби ўзгартириш ва қўшим-чалар, энг аввало, жамияти-мизда соғлом оилалар сонини қўпайишга қаратилган эътибордир.

Орзуғул РУСТАМОВА суҳбатлашди.

кичик бўлмаган, низоларнинг ҳоли-ва ҳал қилинишини таъминлашга қодир, низоларнинг пировард на-тижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаган, тарафлардан мустақил ва ҳакамлик судьяси маж-буриятларини бажаришга розилик берган Ўзбекистон Республикаси фўқароси ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин. Ҳакамлик суди судьяси учун асо-сий талаблардан яна бири олий юридик маълумотга эга бўлиш ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ қўйидаги шахслар ҳакамлик судьяси бўлиши мумкин эмас: муомала лаёқати чек-ланганлиги ёки муомалага лаёқат-сиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний қўчга қирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс; судланганлиги ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташлан-маган шахс; ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилимлар содир этганлиги учун судья, адвокат, но-тариус, терговчи, прокурор ёки ҳуқуқий муҳофаз қилувчи орган-ларнинг бошқа ходими сифатида-ги ваколати тугатилган шахс; қонунда белгиланган мансаб мақо-мига мувофиқ ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин бўлмаган шахс.

Ҳулоса ўрнида шуни айтиш ке-рак

Қашқадарё вилояти республикаимиздаги улкан имкониятларга эга бўлган, табиий моддий-ресурсларга бой минтақа ҳисобланади. Ўртимизда ишлаб чиқарилаётган газнинг 98, нефтининг 86 фоизи ана шу воҳа ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, бу ерда кўп миқдорда пахта, галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилади ҳамда қайта ишланади. Минтақада, шу билан бирга, ёқилғи энергетикаси, қишлоқ ҳўжалиги, қайта ишлаш каби соҳалар изчил ривожланиб бораётган. "Шўртангаз" кимё мажмуаси, "Муборакнефтегаз", "Шўртангаз" корхоналари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Қўқдумалоқ компрессор станцияси, Таллимаржон насос станциялари ва бошқа бир қатор ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш инженерлари институти Қарши филиали негизда Қарши агроиктисодиёт институти ҳамда Тошкент Давлат Техника университети Қарши филиали базаларида Қарши муҳан-

чалик катта бўлади, — дейди Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Муродилла Нормуродов. — Институт кафедраларида давр талабига асосда ўқув лаборатория базасини янги, замонавий асбоб-уску-

лекуляр нурли эпикатция; юқори вакуумли термодиффузия усули; кичик энергияли катта миқдорли ионлар билан легираш каби усуллар тадқиқ этилди. Кейинги беш йилда 2 та докторлик ва 15 та номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди. Шамол эрозияси жараёнларини прогнозлаш ва бошқариш усуллари йўналишларида техника фанлари доктори, профессор Б.Эшмуродов раҳбарлигида олиб борилган илмий изланишлар натижасида республикада биринчи марта чанг-бўронларини баҳоратлаш, районлаштириш ва диагностикалаш математик моделлари ишлаб чиқилди.

—Бу ерда маънавий-маърифий ишларнинг шакл ва мазмуни такомиллаштирилди. Малакали профессор-ўқитувчиларга 10-12 нафардан талабалар бириктириб қўйилган, —



юмларни, олтин у зарларни битта қўймай йиғиштиришни буюрибди. Ниҳоят, навбат китоблар ортлган туяга келибди. Китоблар соҳибига ёнидаги бор бойлигини тортиб олишгаётганда индамабди-ю, лекин гал китобларига келганда, сардорнинг оёқларига йиқилиб, тавалло қилибди:

—Хохласанг, бойлигимга қўшиб жонимни ҳам ол, лекин китобларимга тегма.

Қароқчилар сардори:

—Эй, эси паст нодон, ёнингда бир миринг ҳам қолмади-ку, бу бир туя қороз жонингга оро қирадими? Ундан кўра мендан уйингга етиб олиш учун қорингга ярайдиган пул, ёгул қўйиб сўрасанг бўлмайми? — дея маззах қилибди. Китоблар эгаси эса унга шундай дедди: "Тўғри, мен уйимга етиб олгунча қийналам. Сен тортиб олган бойлигини ўрнига келтириш мумкин, аммо йўқотган китобларимни пул билан ўрнига келтириб бўлмайди". Бу гапдан қаттиқ таъсирланган қароқчилар сардори талаб олган бойликларининг ҳаммасини ташлаб, отига қамчи босибди.

Мазкур ривоят замирида катта маъно бор. Талабаларнинг бебаҳо хазина ҳисобланган китобга меҳри беқийс. Илм масканидаги кутубхона китоб фондига янги ўқув адабиётлари билан тўлдириш мақсадида 2002-2006 йилларда 606 миллион 88 минг сўм маблағ сарфланган. Кутубхона ҳар қуни талабалар билан гавжум бўлади. Шунингдек, электрон кутубхона орқали талабалар юздан ортиқ фанлар бўйича маълумотлар базасига кириши ва билимларини мустаҳкамлашлари мумкин. Бу жуда қўлай, энг муҳими, қамқаражат восита. Унинг ёрдамида ёшларимиз глобал таълим олиш имкониятига эга бўладилар. Шу билан бирга, улар жаҳондаги етакчи журналлар сайтларидан кенг фойдаланмоқдалар.

Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти кўпсонли ўқитувчилар жамоасининг заҳмлати меҳнатлари келажак авлод қамолотида акс этади. Зеро, бундай ёшларимиз Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур сингари улғў аждодларимизнинг муносиб ворисларидир.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

...

СУРАТЛАРДА: институт ҳаётидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ: ИСТИҚЛОЛ НИҲОЛЛАРИ



Таълим

дислик-иктисодиёт институти ташкил этилган эди.

Айни пайтда 3610 нафар талабалар сабоқ олаётган Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти сўнгги русумдаги замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. 5 та факультет, 22 та кафедра, ўқув-ислوبي бўлим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази, "Иқтидорли талабалар билан ишлаш" бўлими, унинг қошида Қарши, Шахрисабз, Китоб бизнес мактаблари, академик лицей, лицей-интернат, фермерларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш маркази, ўқув-таъриба участкаси, талабалар оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда. Ёшларга 238 нафар профессор-ўқитувчилар сабоқ беришаётир.

Шу кунга қадар мазкур институтда ёқилғи-энергетика, техника-технология, қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодиёт каби соҳаларга 10 минг нафарга яқин малакали кадрлар тайёрлаб берилди.

—Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кенг қўлмалли ишловчи жараёни кечмоқда. Таълим тизимида амалга оширилаётган ишларда бу ҳол, айниқса, ақлдан қўлга ташланади. Табиийки, биз ёшларга қанчалик чуқур, пухта билим берсак, эртанги кунимиздан умидимиз шун-

налар билан жиҳозлашга, илмий ўқув-ислوبي машғулот хоналарини компьютер технологиялари билан таъминлашга катта аҳамият берилмоқда.

Институтда халқаро миқёсдаги алоқалар кенг қўлмалда олиб боришмоқда. Хозиргача 13 дан ортиқ, жумладан, Швеция қироллик технология институти, Каталония политехника университети (Испания), Нью-Мехико университети (АҚШ), Гамбург-Хорбург техника университети (Германия), Твенте университети (Голландия), Людвигсхофен университети (Германия), Украина муҳандислик педагогика академияси, Москва Давлат табиий ресурслардан фойдаланиш университети, Россияда Қишлоқ Тимирязев номи қишлоқ ҳўжалиги академияси билан илмий соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган, профессор-ўқитувчилар, ёш мутахассислар алмашинуви бўйича шартномалар имзоланди.

Физика-математика фанлари доктори, профессор М.Нормуродов раҳбарлигида ион имплантацияси ва электрон эмиссия усуллари ёрдамида материалларнинг хосса ва хусусиятларини тадқиқ этиш йўналишида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади. Юқори қатламли плёнкалар олиш технологияларининг: мо-

дейди институтнинг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори, техника фанлари номзоди, доцент Урол Хайитов. — Институтда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида намунали ишлар олиб борилаётган. Уларга меҳнат фаолияти эътиборга олинган ҳолда рейтинг баллари асосида бюджетдан ташқари маблағларимиз асосида дифференциалланган қўшимча иш ҳақи бериб боришмоқда. Масалан, Наврўз арафасида бу йўналишда 15 миллион сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари ижтимоий ҳимояга муҳтож меҳнат ва уруш фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиб турилибди.

Яқинда Болгариядан институтга қувончи хабар келди. Унда институт ўқитувчилари олий ўқув юртида уртасида ўтказилаётган халқаро танловга тақдир этилди. Танлов шу йилнинг 12-14 май кунлари Болгариянинг Верна шаҳрида ўтказилди. У Вена халқаро университети ректори, Европа Халқаро ректорлар клуби президенти жаноб Вил Гудеяернинг ташаббуси билан ташкил этилаёти.

Яқин келажакда бу ердан ўзининг истеъдоди билан барчани лол қолдирадиган Улуғбек бобомиз сингари соҳиб илмлар етишиб чиқса, не ажаб.

Китоб — хазина

Ривоят қилишларича, ўтмишда бепосён саҳрода кетаётган қарвончи қароқчилар тўхтаб талабдилар. Шунда қимдир жонини, қимдир молини яшириш пайида бўлибди. Қароқчилар сардори ҳар бир туяга ортлган молни обдон кўздан кечирибди. Улардаги қимматбаҳо бу-

Ёш иқтидорларга ғамхўрлик

Билим даргоҳида иқтидорли талаба-ёшларнинг хорижий тилларни



Хабарлар

Тарадуд

Бу йил қорақалпоқ мумтоз адабиётининг асосчиларидан бири Бердақ Қарғабой ўғли таваллудининг 180 йиллиги нишонланади. Шу сана олдиндан шаҳар ва туманларда қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Яқинда Нукус шаҳридаги 36-сонли умумтаълим мактабида бўлиб ўтган адабий кеча унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланди. Мактаб жамоаси, кечага таъриф буюрган ёзувчи ва адабиётшунослар Бердақнинг ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеърларининг долзарблиги бугун ҳам ўз қимматини йўқотмаганини хусусида фикр билдиришди.

Интернат учун янги бино

Ўхжайли туманидаги 3-сонли мактаб-интернат учун янги спорт зали, 70 ўринли ётқонхонага эга замонавий бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоот "Жамбассуқурилиш" бошқармаси томонидан 6 ой давомида битказилди.

Шунингдек, Кегейли туманидаги Қизил уй фўқаролар йиғини ҳудудиди ҳам 200 ўқувчига мўлжалланган бино қурилиши битказилиб, ўқувчиларнинг кенг ва ёруғ хоналарда таълим олишларига имкон яратилди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Ёзги таътилга тайёргарлик

Болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш, оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ва соғломлаштириш ишларини мувофиқлаштириш вилоят комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоятда бу йил 7200 нафар болалар доимий, 9160 нафар бола кундузги оромгоҳларда мазмунли дам олиши учун давлат, нодавлат, жамоат ташкилотлари олдида турган вазифалар хусусида сўз борди.

Қўшма корхона ишга тушди

Самарқанд шаҳрида "Ядро инвест" қўшма корхонаси ишга тушди. Россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур янги корхонада шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхонада 80 нафар киши иш билан таъминланган. "Ядро инвест"да кунинга 2000-2200 донна шифер тайёрланмоқда.

Энг сўнгги русумдаги замонавий техникалар билан жиҳозланган ушбу корхонада ишчиларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Тадбиркорлар саховати

Меҳр-муруват бор жойда ҳаёт қувончларга тўла. Иштирок тутганининг Ўзбекистон маҳалласида яшовчи Қўқор Эшонқулов тасодиқ тўғайли уйи ёнигидан қаттиқ қайғуда эди. Деҳқон бозори вакиллари бу оилага соғин сигир туҳфа қилишди.

—Тўрт нафар фарзандим ва турмуш ўртоғим билан бундай эътибордан беҳад қувондим. Эҳтижамиздан ортиган сутни ошхонага топшириб, яхшигина даромад ҳам олаёلمиз, — дейди Қўқор Эшонқулов.


Иштирокда бундай муруватли инсонлар кўпчилди, — дейди туман ҳокими ўринбосари Шокир Аҳмедов. — Бу йил 315 та қам таъминланган оилаларга тумандаги тадбиркорлар томонидан сигир ҳадя қилиниши кўзда тутилган.

Мамадёр ЗИЁДИНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Самарқанд вилояти

Қайта ишлаш корхоналари кўпаймоқда

бунда "Пахта Банк"нинг фермер ва тадбиркорларга молиявий мадади муҳим ўрин тутаяпти



Шу йилнинг 8-14 май кунлари, яъни бир ҳафта давомида мамлакатимиз пойтахти Тошкентдаги "Ўзқаспмарказ"нинг павильонлари, кўргазма-савдо ўтказилишига мўлжалланган катта заллари фермерлар, тадбиркорлар, агросаноат комплексига дахлдор ташкилотлар мутахассислари билан гавжум бўлди.

Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ қишлоқ ҳўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг II халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ташкил этилди. Ана шундай тадбирларни ўтказиш яхши анъаналарга айланиб бормоқда. Президентимизнинг ташаббуси билан 2006 йили худди шундай кўргазма-савдо уюштирилиб, фермер ҳамда тадбиркорлар замонавий ускуналар, ихчам технологияларни сотиб олишлари учун қўлай шарт-шароитлар яратилганди. Буларнинг барчаси қишлоқ мулкдорларини гўят мамнун этиб, уларни етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқа хом ашёни ўша ернинг ўзида қайта ишлашга қизиқтирди.

Шу босис, 2007 йил май ойида ўтказилган кўргазма-савдога авалвалгисига нисбатан ҳам кўпроқ фермер ва ишбилармонлар таъшир буюришди.

Ўтган йили 24 хорижий давлатнинг 185 дан зиёд компаниялари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан катнашган бўлишса, бу йил уларнинг сафи салмоқли даражада кенгайди.

Ана шу тадбирларда фақатгина ускуналар ва хизматларни тақдир этишчилар, уларни харид қилувчиларгина эмас, балки бу ишга дахлдор қўлаб инфратузилма ташкилотлари, шу жумладан, банк муассасалари ҳам фаоллик кўрсатди. Улар орасида акциядорлик-тихорат "Пахта Банк" алоҳида ўрин тутди. Чунки, бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигининг етакчи кучи бўлган фермерларнинг катта қисми ана шу йирик молия муассасасининг миқозлари ҳисобланадилар.

—Мамлакатимиз Президентини томонидан 2006 йил 24 августда қабул қилинган 449-сонли қарорга асосан октябрь-ноябр ойларида "Ўзқаспмарказ"да ўтказилган қишлоқ ҳўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган "Агроиниитехко-по-2006" кўргазма-савдоларида миқозларимиз томонидан мингдан ортиқ турли техника воситалари ва технологияларга шартномалар тузилган бўлса, уларнинг 200 дан зиёд қишлоқ ҳўжалиги хом ашёсини қайта ишлайдиган ускуналарга тўғри келди, — дейди "Пахта Банк" республика бошқаруви кичик бизнес субъектларини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғи Шоназар Шодиёв.

Ана шундай ҳамкорликнинг йўлга қўйилганини катта самара бермоқда. Банкимиз ўз миқозларини моддий жиҳатдан қўлаб-қувватлаб, лойиҳаларни молиялаштиришда қўмақлашмоқда. Шу ўринда бир неча мисоллар келтириш


жоиз. Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги "Родник Пахтачи" қўшма корхонасининг пахта ёғи ишлаб чиқариладиган миқоз заводи ускуналарини сотиб олиш учун 80 минг АҚШ долларилик, Жомбой туманидаги "Жакфа Агро Мир" масъулияти чекланган жамиятининг мақарон маҳсулотлари тайёрлаш технологиясига мўлжалланган 140 миллион, "Лола савдо бизнес" МЧЖнинг бундони қайта ишлашда қўлланадиган ускуналар хариди учун 20 миллион сўмлик лойиҳалари банкимиз томонидан молиялаштирилди. Булардан ташқари, Сурхондарё вилоятидаги "Фаровон бах" масъулияти чекланган жамияти нон маҳсулотлари ишлаб чиқариши учун 20 миллион сўмлик замонавий ускуналарни сотиб олиш юзасидан шартнома имзолаганди. Банкимизнинг молиявий жиҳатдан қўлаб-қувватлаши тўғайли бу лойиҳа ҳам амалга оширилди. Шунингдек, қорвачилик, мева-сабзавот маҳсулотларини

лаётганлиги кўп жиҳатдан манфаатлидир. Биринчидан, хом ашё узок жойга ташилмай, шу ернинг ўзида қайта ишланади. Бу эса транспорт харажатларини қўқсқартиради, маҳсулотнинг бўзиллиб қолишдан сақлайди. Иккинчидан, аҳоли зич яшайдиган қишлоқларда корхоналарнинг ишга туширилиши бу ердаги меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини бериб, янги иш ўринлари яратишга шароит туғдиради. Иш билан таъминлаш эса ижтимоий ҳимоянинг асосларидан биридир. Учинчидан, юртдошларимизнинг турли маҳсулотлар ва хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Рўзғор учун зарур бўлган у ёки бу маҳсулотни шу ернинг ўзида ишлаб чиқарган корхонадан сотиб олишга нима етсин? Тўртинчидан, қишлоқда саноатнинг кириб бориши йўлларнинг раvon бўлишига, теvarак-атрофнинг янада қўқмак ва шинам қўқмак касб этишига, қўқса қўқиб айтганда, ҳаёт фаровонлигига замин



қайта ишлаш, иссиқхоналар ташкил этиш учун зарур ускуналарни харид қилиш юзасидан тузилган шартномалар ҳам изчил беришда молиялаштирилиб боришмоқда.

Қишлоқ жойларда кичик корхоналарнинг вужудга ке-



қўқди. Зотан, давлатимиз раҳбари ва республикамиз ҳукумати томонидан олиб борилаётган кенг қўқмалли иқтисодий ислохотлардан қўқланган мақсаднинг пиrowард натижаси айнан шундан иборатдир.

Даврон ТОҶИБОВ

ЎБҲНИ ХАЁТ ДЕЙДИЛАР...

«Қуртни уйғот!..»

1985 йилнинг май ойи. Чорпоёда хуррак тортаётган болани кўриб, собиқ шўролар ҳўкумати худудининг қайсидир бурчадиган туманга иккинчи котиб қилиб яқиндагина юборилган раҳбарнинг феъли айниди:

— Шундай кунда ҳам ўқлай-дими, а?

Меҳмонларнинг шарпасига уйғониб кетган йиғитча сўрашмоқчи эди, раҳбар қўқлини тортиб олди.

— Аввал башарасини ювсин, кейин зудлик билан "қуртга барг" келтирсин, — деб амр қилди у шу ерда турган боланинг ўқитувчисига қараб.

— Ие, қуртимиз ўқлаётми-ю...

— жавоб берди пиллакор она-хон.

Диктати ошган раҳбарнинг қўқларни чимирилди:

— Бу ишқмас тағин нима дейди? Орага яна муаллим тушди:

— Қуртлари ўқлаб қолган, хордиқ қиқарпти, — тушунтирган бўлди унга.

— Ба-а! — хайқирди сабр қосаси тўқиб-тошган янги раҳбар.

— Шу сенинг ўқувчингми?

— Ха, менинг ўқувчим.

— Сендан тарбия олган бола қайқса ҳам борарди. Бу нима деган гап?! Қурт ўқлади деб, қўқ қовуштириб ўтиравермаларинг! Ахир, у онгсиз ҳашарот, сен онгли одамсан-ку, тез уйғот қуртларни.

Табиийки, бу фармойишга сарқашлик қиладиган домладан бўлак мард йўқ эди. У энди оғиз жуфтлагандики, орадаги ноқулай жиқимли болаканинг лўқмаси бузди:

— Қуртни уйғот дейптимиз? Қурт мен эмас-ку, бир бақирса уйғониб кетадиган...

Ҳамма тилини тилшадди. Раҳбар ҳеч балони тушунмай анграйди.

Рустамжон УММАТОВ

Қинғир ишнинг қайтиши

Мақкамбой Сотибдиев узок йиллар ҳайдовчилар тайёрлаш курслари раҳбарлик қилиб, "қоҳатбарор"лиги билан ном чиқарган. Таниш-билишлардан кимнинг иши тушса, айтилган пайтда "естъ" қиларди.



—Юз-юздан иссиқ, энди нима ҳам дердим, шунча йиллик дўст-қадрдонимиз. Сўзингизни ерда қолдирсам бўлмас, — деди у суҳбатдоши ҳурматини жойига қўқган бўлиб. Гап орасида эса юз "сиз-биздан" бир "жиз-биз" яхшилигини эс-латиш билан ёдидан чиқар-

масди. Хуллас, ўтган йиллар давомида унинг орқасидан қанча-лаб яқинлари танишлар ҳайдовчилик гувоҳнома олиш, қондан бил-

лаш машина ҳовли жой, қўқса-қўқса машиналарга эга бўлди.

Шаҳар марказий қўқларининг кешишган жойида тумонат одам йиғилган. Қарасам, барча ойналари қорайтирилган, давлат белгиси бошқаларниқидан ажралиб турадиган, ятти-лаб турган "Нексия" йўл чеккасида турган "Жигули"га бориб урилган бир неча бор айланиб, бетон ариқчага қўқлабди. Машинанинг ҳайдовчи ўтирадиган томонидида олд ойнаси одам боши қатталлида бўртиб қиққан, ўриндиқда қон излари. Машина атрофида юрган Сотибдиев ва унинг ака-укалари юзида ташвиш. "Тез ёрдам" олиб кетган, эндиғина 18 ёшга қадм қўқган Мардонбекнинг аҳоли оғирлиғидан югур-югурда.

Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса, бировга деганлари шу-да. Сотибдиев ўқимай гувоҳнома олиш, қондан билмай машина бошқариш ва йўл ҳаракати белгиларига амал қилмаслик оқибатини ўзида қўқди.

Холмурод ҚУРБОНОВ

Рисолат холанинг пули

Абдуманноб деган бир қадрдонимиз бор. Буни қарангми, у бир кўни қўқадан бир даста пул топиб олди.

Ҳеч ким йўқ. Қўқлага олиб бир муддат турди. "Кимники экан?" ўқлади у. Шу толда автобус келди-ю, чиқиб олди. Ишонмага келиб ҳамқасбларига айтди: "Жуда эру! — дейишди. — Бугун битта ошга эрийсиз!" Абдуманноб:

— Ошдан қочмайман. Аммо ун қўқнага қўқаман. Эгаси қиқса, қайтариб бераман, беҳазил, — деди.

Эгаси қиқмади. Абдуманноб отасига айтди. Ота ўқиланиб қолди ва "Ўзарга қиқиб, маҳалланинг идораси олдида эълон ёзиб қўқ. Эгаси қиқди", деб маслаҳат берди. Шундай қилди ҳам. Биров "меники" деб келмади.

Уч-тўрт қўқ ўтиб, у бозорчанинг ёнидаги бекатда Рисолат хола деган кампирни ўқратиб қолди. Мунгайиб ўтирибди. Абдуманноб холанинг ў

Кўнгилга сайр

"Дилбар наво
йўлиндаман"

Кўшиқчи шоир, иктидорли адиб Ошиқ Эркин (Эркин Мадрасимов) узок йиллар оммавий ахборот воситаларида хизмат қилди. Хусусан, "Қишлоқ ҳақиқати"-Сельская правда" газеталарининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти бўйича ўз муҳбири вазифасида ишлади. 1986 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Хоразм вилояти бўлимига етакчилик қилмоқда.

Бахш этар

Аҳли муҳтожга сажий нон бахш этар,
Аҳли ҳотамга Эгам шон бахш этар.
Химматин бахш айласа агар деҳқон
Унга замин катта эҳсон бахш этар.
Бир-бирига меҳри чандон элга Ҳақ
Бир аjoyиб давру даврон бахш этар.
Вақтида ерга қадалган хар уруғ
Сохибига ризқ-рўз дон бахш этар.
Ишқ уфурган хар чаман, хар бир чечак
Яйратиб дил анбарашон бахш этар.
Севгида хаста кўнгиллarga азал
Чин садоқат ила дармон бахш этар.
Бир умр осмон қилиб ёр шаънини,
Аҳли ушшоқ шеър дoston бахш этар.
Ошиқ Эркинга, гулим, етмишда ҳам
Лаъли жонбахшинг сенинг жон бахш этар.

Бахт будир...

Яхшилар, мен-да фано йўлиндаман,
Бу демак – ранку ано йўлиндаман.
Чарха келдим бир келиб-кетмак учун,
Чарх урай деб раббано йўлинда ман.
Жону тан бахшида қилганман ахир,
Шаънига ҳамду сано йўлиндаман.
Ғамдадурман қилмадим деб жон ато,
Ҳам атою ҳам ано йўлинда ман.
Бахт будир, қилсам агар ўзни фидо
Авлиёю анбиё йўлинда ман.
Куйладим ўйноқи бир-икки газал,
Тер тўйиб дилбар наво йўлинда ман.
Ошиқ Эркин, элга бахш қилмоқдаман
Инжа меҳримни Худо йўлинда ман.
Ошиқ ЭРКИН

Кўхна замонлардан буйн тут
меvasи шифобахш неъмат сифа-
тида қадрланган, деярли хар бир
ҳовлида тут дархатлари экиб
келинган.

Шифобахш неъматлар

Оқ тутнинг оқ
"аур"лари

дан оғизда, шунингдек, томоқда ҳосил бўладиган шишларни йўқотиш, ичбурғу касаллигини даволашда фойдаланган, уни пешоб ҳайдовчи безор восита сифатида тавсия этган. Қуритилган барг шираси тиш оғриғига даво эканлиги, тут баргларидан тайёрланган қайнатма муртақ безларнинг яллиғланиши (ангина)га шифо бўлишини таъкидлаган.

Тут мияни пешлайди, тикилмаларни очди, жигар ҳамда талоқ фаолиятидаги бузилиш ва нуқсонларни тузатади. Тана вазнининг орттишига, буйрақларда ёғ йиғилишига сабабчи бўлади, у аъзоларга осонлик билан сингиб, фойдали омилларга айланади.

Оқ тут халқ табибати амалиётида икак фаолиятини изга солувчи безор восита бўлиш билан бирга, қариш жараёнини секинлаштирувчи, юрак қувватини оширувчи неъматдир.

Айни тут пишқичлигида ундан тўйиб истеъмол қилинса, кўпгина касалликлар сизни "четлаб" ўтади ёки киши хасталанган бўлса, асоратсиз тузалади.

Ундан тайёрланган шинни юкумли касалликларга нисбатан иммунитетни оширади, бош гангиши, силла қуриши, дармонсизлик шифоси саналади. Қадимда бе-

пуштлиқни даволашда тут шининини истеъмол қилиб туришни буюришган.

Тут балғам кўчишини осонлаштиради. Ичакни хиллардан тозалайди.

Замонавий табибёт амалиётида ҳам тут меваларида салмоқли микродорда темир унсури мавжудлиги туфайли уни гипохромли анемия (камқонлик хасталиги), ўткир кўринишли энтероколитларда, дисентерияда, дисбактериозларда тавсия этилади.

Тут пўстлоғи (қайнатма ва кунжут мойида тайёрланган суртма мойи) яраларни даволашда ҳамда балғам кўчирувчи, пешоб ҳайдовчи дори сифатида қўлланади. Хитой халқ табибатида тут илдизларидан тайёрланган қайнатма билан хафакон, зикнафас (бронхиал астма) ва бронхит хасталиқлари даволашган. Барг қайнатмиси эса шомоллаганда ҳароратни тушириш учун ичирилади.

Японияда тут гулидан ҳуснбузар, сепкил ва доғларни йўқотиш учун ишлатиладиган мойула (крем) тайёрланади. Шунингдек, тут мевалари мичал (рахит), бўғма (дифтерия), қизилча (скарлатина) ва ичтимда даво бўладиган дорилар манбаидир.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

SPORT OLAMIDA

ФУТЗАЛ

Осиё чемпионати бошланди

Японияда футзал бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бошланди. Унда иштирок этаётган терма жамоаларнинг биринчи ўрашуви Ироқ футболчиларига қарши ўтказди.



Ўтган йили Тошкентда ўтказилган қўта биринчилигида қумуш медални қўлга киритган вакиллариимизнинг Ироққа имкониятни бой бериши турнирнинг илк шов-шувли воқеаси, дея эътироф этилди. Биринчи бўлимини 0:0 ҳисобида якунлашган ҳамюртларимиз ўйиннинг қолган дақиқаларида уч тўп ўтказиб юборишди. Абдулла

Бўриев томонидан киритилган ягона гол эса ҳисобни 3:1 кўринишига олиб келди, холос.

Бу гуруҳдаги ("В") Таиланд ва Кувайт терма жамоалари ўрашувида таиландлик футболчилар яққол устунлик қилишди. Ўйин давомида Кувайт термаси дарвозасини саккиз бор ишғол этган жануби-шарқий Осиёликлар ўз дарвозалари дахл-

сизлигини сақлаб қолишди. Шубҳасиз, терма жамоамизнинг бу мағлубияти кейинги босқичга чиқиш имкониятига таъсир қилмай қолмайди. Энди вақилларимиз кейинги босқичга чиқиш учун имкон борида ижобий натижалар қайд этишлари билан бирга, рақибларимизнинг "қоқилишлари"ни ҳам қўтишларига тўғри келади.

ФУТБОЛ

"Нефтчи" очко йўқотди

10-12-13 май кунлари футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига жамоалари ўтказилган тур ўрашувларини ўтказишди.

Турнинг марказий баҳсларидан бири сифатида эътироф этилган "Навбахор"-"Насас" ўйини дуранг (1:1) натижа билан поёнига етди. "Самарқанд-Д"-"Андижон" ўрашувида эса ҳисоб очилмади - 0:0.

Турдаги энг йирик ҳисоб "Металлург"-"Шўртан" баҳсида қайд этилди. Мавсумни омадсиз бошлаган бекбодлик футболчилар Ғузор шахри клубини 4:0 ҳисобида мағлубиятга ўқратишди. Саккиз турдан буюн фақат ғалаба қозонаётган "Нефтчи" бу турда очко йўқотди. "Қизилқум" меҳмони бўлган Юрий Саркисан шогирдлари ўйинни 0:0 ҳисоби билан якунлашди. Турнинг қолган ўрашувлари натижалари қуйида келтирилган: "Машъал"-"Вобекент" 4:1, "Бухоро"-"Қурувчи" 1:2, "Пахтакор"-"Тўпалар" 2:1.

Турнинг жадаллида "Пахтакор" ва "Нефтчи" клублари бир хил 25 очкдан жамғариб, қарвонбошлик қилишмоқда. Кейинги ўйинлардан "Қурувчи" (22), "Андижон" (19) ва "Машъал" (19) жамоалари жой олган.

Қўчилад рўйхатининг сўнгги поғоналарини "Тўпалан", "Локомотив", "Металлург" ҳамда "Бухоро" клублари банд этишган.

ХОККЕЙ

Мезбонларга
бронза насиб этди

Москва шаҳрида бўлиб ўтган хоккей бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатининг голли ва соғирдорлари маълум бўлди.

Олтин медаллар учун кечган ўрашулда Канада терма жамоаси Финляндияни 4:2 ҳисобида мағлубиятга ўқратди. Бу канадаликларнинг жаҳон биринчиликларидаги қўлга киритган 24-бош соғирдор сифатида тарихда қолади. Бронза медаллари учун эса Россия ва Швеция термалари баҳс олиб боришди. Мезбонлардан Алексей Емелин ҳисобни очди. Кейин эса Сергей Зиновьев ва Александр Фроловлар орадаги фарқни 3:0 га етказишди. Швецияликларнинг ягона жаовб шайбаси Александр Стивен томонидан Россия дарвозасига киритилди. Шу тарихда 3:1 ҳисобида ғалаба қозонган рус хоккейчилари ўз уйларида бўлиб ўтган мусоба-

қанинг бронза медаллари билан тақдирланганди. Чемпионатнинг энг фойдали ўйинчиси деб Канада ҳужумчиси Рик Нэш эътироф этилди. У финалда икки шайба муаллифи бўлганди. Энг яхши дарвозабон деб Кари Лектонен (Финляндия) тан олинди. Энг яхши

ҳужумчи йўналишида россиялик Андрей Марков номзодида тўтатилган бўлса, энг яхши ҳужумчи деб Алексей Морозов (Россия) маълум топилди. Морозов чемпионат давомида саккизта шайба киритди.

Ғазилдин АБИЛОВ тайёрлади.

ТЕННИС

Римда
Рафаэль
зўр чикди

13 май кунини тунда Италия пойтахти Рим шаҳрида теннис бўйича "Мастерс" туркумига кирувчи йирик турнир поёнига етди.




Финал баҳсида чилилик Фернандо Гонсалесга қарши баҳс олиб борган Рафаэль Надаль икки сетда ҳам рақибини бир хил ҳисобда (6:2, 6:2) мағлубиятга ўқратди. АРР ҳабар беришича, Надаль Римда кетма-кет уч бор ғалаба қозонган биринчи теннисчи бўлган. Рим турнирига қадар испаниялик ракетка устаси Монте-Карло ва Барселонадаги мусобақаларда ҳам бош соғирдор эгалик қилганди.

Утерные кадастровые документы на недвижимость за № 587, геоуказная серия ТА № 0198777 от 24.05.2006 г. на имя ЧП "PLAST-QUILISH SAVDO" расположенное по адресу: Ташкентский район, г. Келес, микрорайон Кур-Арак, II отделение, база "Мехнат Роҳат", считать недействительными.

Утерный земельный кадастр документа за № 2795672709 и кадастр (реестровый номер 4-24/98), выданный 24.11.1999 г. ГУРЗ ОКН расположенное г. Ташкент, Хамзинский район, ул. М.Хасанова, 27, на имя Дураева Ильхом Муратавичева, считать недействительными.

ПТ "WEST MANSLUD" (ИНН 204402350) Яккасарского района г.Ташкент ликвидирован. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 54-56-08.

Дайдиллик
қисмат эмас

Асли жиззахлик Алишер Бозорбоев муқаддам судланган. Ўттизга кириб ҳам тайинли иш бошини тутмаган йигитнинг бу галги қилмиши уни қотилга айлантирди.

Бекорчиликдан безган Алишер ўйлай-ўйлай шаҳардан иш топиб, шу ерда ялло қилиб яшашига қарор қилди. У уйдагилини "Қозғонистонга ишлашга кетаялман", дея лақиллатиб, йўлини Чирчиқ шаҳрида яшовчи опасиникига бурди. Опаси ҳам поччаси билан қўтилмаган меҳмонни яхши қарши олишди. Меҳмондорчиликда дастурхонга қўйилган "бўйин узун"нинг қаромати билан кайфи тарақ меҳмон поччасини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлай бошлади. Ҳақоратлар охири жанжал билан тугаб, йигит уйдан ҳайдалди.

Шаҳарда опаси ва поччасидан бўлак ҳеч қимми танимайдиган Алишер тунашга жой қидириб, ярим кечагача дайиди юрди. "Беҳтерак" кўчасидаги 7-уйда Алишери исми аёл ижарага қўйиш эшитиб, уникига йўл олди. Уйдан қарийб 20 эш катта, ҳаётнинг аччиқ-чучуғини анча-мунча татиган Любага Алишер бир "қўришдаёқ" ёқиб қолди. Бева аёл йигитга уйдан ҳам, кўнглидан ҳам жой берди.

Арон-гаров бошпана топангидан, тез орада уйни ўз номига хатлатиб олишдан хурсанд Алишернинг қувончи узокқа қўзилмади. Орадан ҳеч қанча кун ўтмай, Любанинг олдинги "хуштор"лари йўқлаб келишди. Бу турки соғуқ кимсаларнинг қўтилмаган ташрифи "келгин-

ди қув" режаларини чип-пакка чикарди. Икки орада "жангари, хўроз"лар жиккамушт бўлишди. Алишер шу кунини алам ва аччиқ устида Любани ҳам ўласи қилиб дўппослади. Жанжалдан ҳабар топган Любанинг қариндошлари етиб келишибоқ келгиндини уйдан қувиб сод-лишди. Бегона шаҳардаги ҳаётига яқун ясалган йигит яна дайиди даревега айланди-қолди. Чўнтагида бир мири йўқ, ишлаб пул топаётган, қўлида хунари йўқ, бирдан-бир мақсади Любани учратиб, таваба-тазарру қилиш эди. Шундай ҳам қилди. Йигитнинг ширин сўзлари қулоғига ҳуш ёқиб, Люба яна у билан яшай бошлади.

Етиб еганга тоғ чидамас, деганларидек, аёлининг йигитга қўрсатган ҳимматидан йикқан пулларининг тағи кўриниб қолди. Энди текин-томоққа бу камлик қилар, хар қунги ичкиликларига пул етмасди.

Бу ноқонуний эр-хотин пул ишлаб топиш мақсадида Ўрта Чирчиқ туманига пахта териш учун боришди. У ерда ҳам Алишер топган пулини арокка совириб, маст аҳволда Любани бир-икки марта савалагандан сўнг аёл уни ташлаб кетди.

Люба юз кўзлари қўқарган, мушт зарбидан аъзойи

бадани зирқираб оғриган ҳолда онасиникига келди. Кампир қизининг аҳволини кўриб, бу нусхани бошқа бу ерга йўлатмаслиқни кўнглига тугди. Люба ҳам бу дайиди билан яшай олмаслигини, шу кетишда хароб бўлишини айтиб ўқиб йиғлади.

Мастлиги таркаган Алишер Любанинг кетиб қолганини тушуниб етди. Унинг бошида фақат бир ўй. Любасиз Алишер ҳеч қиммас. Устига-устак, "прописка" масаласи ҳам чатоқ. Бу "қирчанг"ни қайтариш керак. У аёлини қидириб, илгари ўзлари ижарада турган Ғани ақанинг уйига борди. У ердан тополмаган, сўраб-суриштириб Любанинг онасиникига, яъни, Мичурич қўчаси 16-уйга йўл олди.

—Хайрият, Люба шу ерда экан, — ичиди ўйлади Алишер.

— Фақат уни қўндириш қолди.

Аммо аёл унинг сўзларини эшитишни ҳам истамасди. Любага нисбатан йигитнинг юрагида ғазаб ўрнига ғайритабиий ўч пайдо бўлди.

— Агар у мен билан яшашга рози бўлмаса, уни ўлдираман, — илондек вишилади Алишер ўзига ўзи. У пайт пойлай бошлади. Уйда Любадан бўлак ҳеч қим йўқлиги кўл келиб, дарвоза оша аёл ўтган хонага кириб борди. Люба уни кўрган захоти уйдан чиқиб кетишни талаб қилиб, бақира кетди. Алишер ошхонада ётган пичоқни олиб, Любага ташланди. Йигит бир баҳяга ҳайвоний қиёфага кирди. Аммо инсон боласи йирткини бўри қиёфасидан қайтганда, қотиллик қилиб бўлганди. Унинг онги музлаган, ақли ҳеч нарсани идрок қилолмайдиган даражада қараёт эди. Йигит қонга беланган қўлларини телбаларча аёл уст-бошига артаркан, фақат бир сўзини такрорларди:

—Қочиб керак, қочиб керак!

Аммо Алишер қочиб узоққа кетолмади. Шаҳарга келиб, орттиргани фақат қотиллик тамгаси бўлган йигит қилмишига яраша жазоланди. У 17 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Темир панжаралар шарқлаб ёпилаганида, Алишернинг кўзи "ярқ" этиб очилди. Очилди-ю, энди кеч...

О.БҲҲОНОВА

МИНСК БЕЛАРУС
ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ "Беларус" ТРАКТОРЛАРИ МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

Манзиллимиз: Тошкент ш., Братислава кўчаси, 11. Тел.: 151-20-33, 151-20-90. Ғафс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

АВТОТРАНСПОРТ – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ – AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк қўтаралган фурионлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади. Ҳақ тўлаш исталган усулда!

700015, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./Ғафс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-сайт: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

6 ўринли, 1,5 тонна юк қўтарувчи, "ГАЗ-330232-Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк қўтарувчи машина

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сифмилли сут ташини машинаси

"ГАЗ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус

"ГАЗ-31105"

"ГАЗ-3202" русумли тентли юк машинаси

"ГАЗ-3309" русумли нов ташини машинаси

"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

Республика акциядорлик-тижорат банки "Ғалаба"

Хавфсизлик теъниқ ва дастурий воситаларини сотиб олиш бўйича конкурс эълон қилинди. Конкурда катнашиш учун таклифлар 2007 йил 23 майгача қабул қилинади. Қўшимча маълумотларни қўйидаги манзилдан олишишга мумкин: 700060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 36-уй, 2-қават, 213-хона. Тел.: 136-16-13.

Тошкент педагогика коллежи (собиқ Крупская номидаги педагогика билим юрти) томонидан 1990 йили Мақдодова Маъсуда Назиржановна номига берилган № 896530 (рўйхат рақами № 15739) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицей томонидан 2003 йили Авезов Алишер Муродович номига берилган № L 008005 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

ҚФ "AS SANH ПИВНОТ" (код по ОКПО 17859131, ОКОНХ 91514) С.Рахимова району г.Ташкент ликвидирован. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 396-04-33.

Утерный гос.ордер № 05-02/1775 от 12.01.1993 г. права собственности на квартиру на имя Ташходжаевой Халиды Самуковны, считать недействительными.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ғуза уруғчилиги республика маркази жамоаси Бухоро вилояти Ғуза уруғчилиги бирлашмаси бошлиги Амрилло Назаровга падади буржувори ИБРАГИМ ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия охир этади.

Навбатчи: А. КУЛМУРОДОВ Сахифаловчилар: Р.ЕДГОВОВ, А.САФОНОВ, Сафоҳчи: Х. ТОШУЖАЕВ

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Саид АХМАД, Ўткир РАҲМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Уктама БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУХАММАД.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:

Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-56-25, Котибона - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Ғафс - 133-44-43, 133-40-87, Қабулхона - 136-58-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Наманган - 8-369-41-234-23; Ғаргона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун бюртмачи жавобгар

700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади. Бюртма Ғ-417, ҳажми 2 босма табоқ. E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Офсет усулида босилди, қозғоз бичими А-2.

Босишга топширилди вақти: 21.40. Босишга топирилди: 21.40. Адади - 17910

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.